



# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 23 июнь, № 124 (4787)

Сешанба

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир»

## ИСТИҚЛОЛДАН НУРАФШОН МУҚАДДАС ВАТАН



**Истиқлол — улуг незмат. Унинг қудратбахш кучини, яратувчанлик гоясини англаш, юракка жо этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз саналади. Президентимизнинг қуни кеча матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламалдир.**



Айни пайтда мамлакатимизнинг барча жойларида энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 18 йиллигини зўр қувонч ва кўтаринки кайфият билан кутиб олиш учун кенг қўламли иш-лар олиб борилмоқда. Ўзбекистоннинг қисқа, аммо асрларга татиғулик йилларда дадил одимлар билан ривожланаётгани, тенглар ичра тенг мамлакат эканлиги, шаҳар ва қишлоқларимиздаги янгиланишлар, энг олиб ҳудудларда ҳам кўз кўрсатқуч қозоналарнинг қад ростилаши, фарзандларимизнинг мухташам ва янги ўқув масканларида билим олаётгани Истиқлол шарофатидандир. Улуг байрами-

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, иқтисодийнинг юқори суръатлар билан ўсиши, аҳоли реал даромадининг кўпайиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар аҳолининг банк тизимига ишончини оширишининг асосий омиллари бўлди.

### ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ ТИЗИМИ

Бу борада 2002 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим роль ўйнамоқда. Қонун фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш тизимининг ҳуқуқий, молиявий ва таркибий асосларини белгилаб беради, шунингдек, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармасини ташкил этишни, унинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишни назарда тутди.

**Олий Мажлис  
Сенатида**

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки 36 турдаги омонат буйича аҳолига хизматлар тақдир қилди.

Банклардаги аҳоли омонатларининг ўсиши, ўз навбатида, тижорат банкларига иқтисодийнинг реал секторини инвестициялаш ҳамда аҳолига истаёмол кредитлари ва бошқа турдаги кредитлар сифатида молиявий хизматлар қўрсатиш учун кредит ресурсларини шакллантиришга ёрдам бермоқда.

2008 йилнинг иккинчи ярмида бошланган ва ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз аҳоли омонатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ва мамлакат тижорат банкларига аҳолининг ишончини ошириш юзасидан қўшимча самарали чора-тадбирлар белгилаш зарурлигини кўрсатди.

Ана шу мақсадда 2008 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидagi омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди. Фармонда белги-ланган тартибга мувофиқ, омонатларнинг миқдорларидан қатъи назорат, фуқароларнинг тижорат банклари де-позит ҳисобварақларидаги омонатлари буйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

(Давоми 2-бетда).

### Парламент назорати

Навоий шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг Инсон ҳуқуқлари буйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши билан ҳамкорликдаги кенгайтирилган сайёр кенгайлиши бўлиб ўтди.

### ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ ТАЛАБЛАРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

М. Тешабоев олиб борган мазкур йиғилишда қўмитанинг «БМТнинг «Кийноқларга солишга ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шартлари, гаиринсоний ёки кадр-қимматни тақрирловчи турларига қарши Конвенция» си нормаларининг Навоий вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ижро этилиши ҳақида»ги назорат-таҳлил яқунлари муҳокама этилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчилик тизими яратилди. У «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг қоида ва нормаларини ўзида тўла акс эттирди. Шу боис кенгайтирилган йиғилишда мамлакатимизнинг 1995 йил 31 августда БМТ томонидан 1984 йилда қабул қилинган ва номи юқорида зикр этилган Конвенцияга қўшилганлиги алоҳида эътиборга молик эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга, 2008 йил 1 майда Президентимиз томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган»

(Давоми 2-бетда).

## Виничай Чаемчаенг: «КўП СОҲАЛАРДА БИР-БИРИМИЗНИ ТўЛДИРИШИМИЗ МУМКИН»

Мамлакатимизда Таиланд Савдо вазирлиги ва Молия сибсати илмий тадқиқот институти делегацияси меҳмон бўлди. Унга вазирлик савдо маслаҳатчиси Виничай Чаемчаенг бошчилик қилди. Ташриф давомида делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатасида учрашувлар ўтказиб, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон билан Таиланд ўртасидаги муносабатлар барқарор тарзда ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш билдиради. Тошкент ва Бангкок халқаро ташкилотлар, аввало, БМТ ва унинг ташкилотлари доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Айни пайтда томонлар Ўзбекистон билан Таиланд салоҳиятидан янада фойдаланиш ва икки мамлакат ҳамкорлигини иқтисодийнинг турли соҳаларида ривожлантиришга йўналтирилган қатор ҳужжатларни қўриб чиқмоқда.

Учрашувлар якунида Таиланд делегацияси раҳбари Виничай Чаемчаенг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига Ўзбекистонга амалга оширилган ташрифидан қўзланган асосий мақсад ва Тошкентдаги

музокаралар натижалари ҳақида сўзлаб берди.

«Айни пайтда Таиланд ҳуқуқати жадал ривожланаётган бозорлар билан савдо-саноатнинг ҳамкорлигининг янги йўналишларини ишлаб чиқмоқда. Ана шулардан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон, — дейди В. Чаемчаенг. — Биз мамлакатимизни энг ёрқин истиқболли, алоқалар қўламини кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга мамлакатлардан бири, деб биламиз. Афсуски, икки давлат ўртасидаги товар айланмасининг бугунги ҳажми томонларнинг салоҳияти даражасида эмас. Zero, биз бир-биримизни қўллаб соҳаларда ўзаро тўлдириб туриши мумкин. Масалан, биргина туризм соҳасини олинг. Бу йўналишда мамлакатларимиз ҳавас қилса амалқили имкониятларга эга. Ўзбекистонда

дунёнинг турли бурчакларидан келадиган саёҳатчиларни жалб қила оладиган юзлаб диққатга сазовор жойлар бор. Қадимий ёдгорликларни ҳам муқаддас қадимжолар билан бир

### Биз ва жаҳон

қаторда, Ўзбекистон экотуризм ва сайёҳликнинг бошқа туришларини ривожлантириш учун қулай имкониятларга эга. Бунинг учун фаол маркетинг тадбирларини амалга ошириб, дунё аҳолини бу имкониятлар хусусида хабардор қилиш лозим, холос. Жаҳонда энг йирик сайёҳлик марказларидан бири бўлган Таиланд бу борада ўз ёрдамини тақдир этиши мумкин.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон кўп сонли аҳоли,

ривожланган саноат, қишлоқ ҳўжалиги, кўп тармоқли иқтисодиёт, шунингдек, катта ҳажмдаги табиий захираларга эга. Ўйлашимизча, Ўзбекистон билан Таиланд озиқ-овқат саноати, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ва тўқимачилик соҳаларида, айниқса, фаол ҳамкорлик қилиши мумкин.

Мамлакатимиз тинчликларвар ва бағрикенг ислом ғояларини ўзида намёнэ этади. Шу боис биз мамлакатларимиз экстремистик кучларга қарши биргаликдаги курашда салмоқли натижаларга эришиши мумкин, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан бўлган учрашувлар чоғида биз ўзаро алоқаларни фаоллаштириш, нафақат расмий, балки ишбилармон дидлар вакиллари, саноатчилар, олимлар, маданият ва санъат арбоблари делегацияларининг ўзаро алмашинуви жаддаллаштириш масалаларини муҳокама қилдик. Бундай ташрифлар ҳаёт тарихимиз, маданиятимиз билан кенгроқ танишиш, тақриба алмашиш, ҳам-

корликнинг янги истиқболларини белгилаш учун хизмат қилади. Шеригингизнинг қандай меҳнат қилиши, бунёдкорлигини, унинг муваффақиятларини кўрмай туриб, ҳамкорликни ривожлантириш учун умумий асосни топиш мушкул. Шу маънода Ўзбекистон мустақиллик йилларида иқтисодий ислохотлар, айниқса, инфратузилмани ривожлантириш борисида сезиларли натижаларга эриганини таъкидлаш ни истардим. Тошкент замонавий мегаполисини қандай ривожлантириш мумкин ва кенгайтириш амалдаги кўриниши бўла олади. Шунингдек, Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан айтарли йўқотишларсиз энгиб ўтаётгани ҳам эътиборга молик бўлиб, бу — мамлакатимиз иқтисодий ривожланиш модели турри эканини амалда исботлаб турибди.

Аминманки, Ўзбекистон билан Таиланд ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланиб бораверадди. Бунинг учун бизда хоҳиш ва имкониятлар бисёр».

«Жаҳон» АА.

## Мамлакат бўйлаб

### Ислохот инсон учун

2009 йилнинг биринчи чорағида республикамизнинг қишлоқ жойларида маиший хизмат кўрсатиш бўйича

**817** та янги объект ишга туширилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури доирасида шунча объектнинг фойдаланишга топширилиши натижасида ҳудудларда кўплаб иш ўринлари ташкил этилди, ушбу соҳанинг янги ички маҳсулотдаги улуши эса сезиларли даражада ошди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

### «Бахт уйи» ишга тушди

Хатирчи тумани марказида Мустақилликнинг 18 йиллиги олдидан замонавий кулайликларга эга бўлган «Бахт уйи» барпо этилди. Унинг таркибида ФХД бўлими ва нотариал идора мавжуд.

Мазкур қозона қурилиши учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан маблағ ажратилди. Айни пайтда «Навоийазот» ОАЖ, Автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланишга топшириш идораси ҳамда вилоят фермер ва тadbirkorлари томонидан ҳомилийк ёрдами кўрсатилди. Бу ердаги 180 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари «Муаззам-Хулқар орзу-си» фирмаси бунёдкорлари томонидан бажарилди.

«Бахт уйи»нинг очилишида иштирок этган оқсоқоллар, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари Бахтиёр келин-қувварларнинг никоҳ тантанасига гувоҳ бўлишди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қаршида Ўзбекистон Журналистлар икжодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида «Матбуот истиқбол» форуми бўлиб ўтди.

### Журналистлар форуми

Вилоят, туман ва тармоқ газеталари, телерадио икжодий ходимлари, республика газеталари мухбирлари, «Қашқадарё» газетаси тахририяти хузуридаги журналистик маҳорат мактаби тингловчилари иштирок этган мазкур тадбирда журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, тахлил салоҳиятини кўчатириш масалаларида сўз юритилди. Айни пайтда тадбир доирасида журналистика жанрларидан фойдаланиш, манбалар билан ишлаш, ахборот тўлаш ва тарқатиш муаммоларига бағишланган мулоқотлар ўтказилди.

Шунингдек, тадбирда намойиш этилган соҳадаги энг яхши тажрибалар ҳақидаги видеороликлар вилоят журналистлари учун жуда фойдали бўлди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Сурхондарё вилояти филиалининг 15 та почта алоқа тармоғи компьютер ва техник ускуналар билан таъминланди.

### Замонга мос алоқа тармоқлари

Натижада нафақа ва коммунал тўловлар, хат ва пул жўнатмалари ҳисоб-китобини юритиш соҳасидаги. Айни пайтда ахборот ва маълумот узатишда тезкорлик таъминланди.

Шунингдек, филиалнинг 226 та бўлимида матбуот

Элликқалъа туманида Жаҳон банки гранти асосида иш бошлаган «Едгорлик-Бўстон» масъулияти чекланган жамиятида атлас, шойи ва адрас ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

### Янги корхона

Ҳозирда бу ерда 26 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона маҳсулотларига талаб кўндан-кўнга ортиб бораёпти. Эътиборлиси, корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, яна 153 та янги иш ўрни яратилади.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



# ИСТИҚЛОЛДАН НУРАФШОН МУҚАДДАС ВАТАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир» деган гоя асосида нишонланиши замирида ҳам 18 йил мобайнида эришилган ютуқлардан фахрлини туйғуси мижассам. Зотан, Президентимиз таъкидлаганларидек: «Мустақилликка эришгандан кейин амалга оширган кенг кўламли ишларимиз, биз мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин ва обод Ватан қуришга қаратилган, юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини мутлақо ўзгартириб юборган том маънодаги тари-

хий ўзгаришлар ва ҳаётнинг ўзи, ҳақиқатан ҳам, биз қабул қилган миллий тараққиёт стратегияси аққою ягона тўғри йўл эканини аққол тасдиқлаб бермоқда».

Бугун мамлакатимиз узра хурсандчилик билан нишонланаётган тантаналар ҳам ана шу муваффақиятлар, тарихан қисқа даврда эришилган залворли ютуқларимизга ҳамоҳангдир. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилётган бе-

гани билан алоҳида қадрлидир. Эндиликда Юртбошимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўк» деган пурмаъно сўзлари ҳар биримизнинг онгу шуғуримизга, қалбимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Зеро, бизнинг аждодларимиз оқилу доно, билимдон инсонлар бўлишган. Инчунин, соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг маънавий қудрати унинг ҳарбий куч ва салоҳиятидан кам бўлмаган. Тўғри, бу кўна тарих

нинг муносиб давомчиси бўлсак, кина, буюк ишларга, буюк келажак қуришга қодир бўламиз. — Истиқлол туғайли тadbиркор бўлиб, эл-юртга нафимиз тегайти, — дейди пойтахтимиздаги Миробод туманида фаолият юритувчи тadbиркор Халиқул Зайдуллаев. — Президентимиз томонидан ишбилармонлар кўллаб-қувватланаётган, турли имтиёз имкониятлар берилмоқда. Бундай гамўрликка жавобан ҳар биримиз

бор куч-ғайратимизни ишга солиб, юрт раванқига ҳисса қўшимиз шарт. Бугун замон ўзгарди, дунё-қарашимиз янгиланди. Энди сиз ўқитувчи ёки шифокор бўласизми, курувчи ё ёпонми — яхши ниятда тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишингиз мумкин. Бунинг учун барча шарт-шароит, имтиёз имконият мавжуд. Беқийс эътибордан руҳланиб, тadbиркорлик фаолиятини бошлаган, ҳам оила-си, ҳам юртга наф келтираётган бундай ишбилармонлар сафида кўллаб мамлакатларда бўлганман. Лекин ҳеч бир юртда биздагича кенг имкониятлар яратилганини кўрмадим. Истиқлол туғайли инсон салоҳиятини намоён этиш-

улуг саркардаю даҳолар тақдиринга кўп гувоҳ бўлган. Лекин ер юзиде барча номдорлар ҳам адолат ва маърифатни устун билиб, иш тутмаганлар. Фахрлансақ армий-маиший объектлар, кенг ва равоён йўллар инсон ва унинг манфаатига қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир. Энг муҳими, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгариш — мустақиллик йилларидаги энг катта ютуқдир. Шунинг учун ҳам пойтахтимиздан бошланиб, вилоятларимизда, туман ва киш-лоқларимизда давом этаётган Истиқлол тантаналари ҳеч қимни бе-фарқ қолдирмайди. Зеро, озод ва эркин ҳаёт ҳар биримизнинг умр йўлимизда муҳим бурилиш яса-

ва кенг йўл очилди. Майдонга чиқ, ўзингни кўрсат, меҳнат қил, бунёд эт! Мана, асл ҳақиқат нимада! Юртимизда инсон манфаатлари ҳимоясига қаратилган эзгу сайёҳаракатлар давлат сиёсати даражасида устуворлик касб этган. Бугун юртда нафақат тadbиркорлик, шу билан бирга, спорту санъат, ишлаб чиқариш таълим соҳасида ҳам изчил ислохотлар амалга ошириляпти. Жаҳон миқёсида Ўзбекистонимиздаги ўзгаришлар қўшни давлатлардаги вазият билан солиштирилиб, бизнинг мақсад ва интилишларимиз нечоғли аниқ гоёларга асосланганлиги бот-бот эътироф этилмоқда. Биз кўллаб жабҳаларда дунёда ҳеч қимдан кам эмаслигимизни исбот этаёмиз. Ва мустақиллигимиз бор экан, нилмаларга қодир эканимизни ҳали кўп бора намоён этамиз.

Бу мулоҳазалар замирида она-Ватанга бўлган самимий муҳаббат ҳисси зоҳир. Зотан, мустақиллик боис биз озод юртда яшаш, эмин-эркин ҳаёт кечирибдек бахтга шоён бўлдиқ. Демак, юртдошларимиз қалбидеги покиза туйғулар, улуг мақсад ниятлар рўёбга чиқмоғи мўқаррар. Амалга ошираётган эзгу амалларимиз эса авлоддан-авлодга ўтиб, озод ва обод Ватан номи, Юрт шаъни, Халқ манфаатини юксалтиришга хизмат қилажак!..

М. ЖОНИХОНОВ.

## ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ ТАЛАБЛАРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тadbирлар дастури тўғрисида»ги Фармони мустақил Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоида ва нормаларига содиқлигини яна бир бор тасдиқлаш баробарида унинг ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида муҳим қадам эканлиги қайд этилди.

Қўмита томонидан тузилган ишчи гуруҳи маълумотномасида кўрсатилишича, Навоий вилоятида Конвенция талаблари ижроси юзасидан амалдаги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ижросига қаратилган қатор махсус қарорлар қабул қилинган, аниқ мақсадга йўналтирилган тadbирлар изчил амалга оширилган. Жумладан, вилоят прокуратураси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда маҳалла фуқаролар йиғинлари, олий ва ўрта махсус таълим юртлири ҳамда қатор халқ ҳўжалиги тармоқларида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб

борилган. 2008-2009 йилларда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши сессияларида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини янада тақомиллаштириш масалалари билан боғлиқ тегишли қарорлар қабул қилинган.

Кенгайтирилган сайёр йиғилиш якунида Конвенция нормаларини миллий қонунчиликка уйғунлаштириш юзасидан қонун ижодкорлиги ва миллий қонунчиликни янада тақомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутасадди ходимлар малакасини ошириш, уларни аттестациядан ўтказиш жараёнларида Конвенциянинг мақсади ва ижро этилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларида Конвенция талабларидан келиб чиқиб ўзгариш ва қўшимчалар киритиш масалалари юзасидан республика мутасадди вазирлик ва идораларига тавсиялар бериш тўғрисида қўмита қарори қабул қилинди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ ТИЗИМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юқоридаги Фармонга мувофиқ, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун мамлакатимиз фуқароларини ижтимоий ҳимоялашга ҳамда уларнинг омонатларини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, аҳолининг мамлакатимиз банк тизимига ишончини янада мустаҳкамлашга, тижорат банкларига аҳоли омонатларини жалб этиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Шу билан бирга, мажлисда юқорида тилга олинган Қонуннинг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан ижро этилишида баъзи хато ва камчиликлар борлиги таъкидланди. Чунончи, Фуқароларнинг бан-

лардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси Кузатув Кенгаши томонидан Жамғарманнинг 2006-2008 йиллардаги фаолияти натижаларига тегишлича баҳо берилмаган. Қашқадарё вилоятида турли аҳоли қатламлари орасида Жамғарманнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, банкларнинг депозитлари, шунингдек, улар кафолатланганлиги ҳақида тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилмаётди. Тижорат банкларини фуқаролар омонатларининг турлари бўйича хизматларни кенгайтиришга етарлича эътибор бермаётди.

Масалани муҳокама этиш якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Қўмита мажлисида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари, Ўзбекистон банклар ассоциацияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, экспертлар ва олимлар иштирок этди.

(ЎЗА).

## Даромад ҳажми ошмоқда

Урганчдаги «Урганч — Бахмал» масъулияти чекланган жамияти ўтган йили 200 минг АҚШ долларлик ил-ғазламани экспорт қилган эди.

Жорий йилда мазкур корхонага чет эллик ҳамкорлардан 260 минг АҚШ долларлик буюртма тушди. Хозиргача 50 минг погон метр ил-ғазлама хорижга жўнатилди. Айтиш лозимки, корхона маҳсулотларига ички бозорда ҳам талаб юқори. Хусусан, мамлакатимиздаги 55 та фирма ва корхона ушбу меҳнат жамоасининг миқози ҳисобланади. Йилнинг тўрт ойи мобайнида бу ерда 2 миллион 300 минг погон метрдан ортиқ турли хил ил-ғазлама ишлаб чиқарилиб, улarga етказиб берилди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ИЗЛАНИШ — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Пахтадан қалава ип ва нотўқима мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Намимпекстекстиль» масъулияти чекланган жамияти кейинги пайтларда Наманган вилоятидаги экспортчи корхоналар ўртасида олдинги ўринга чиқиб олди. Мяслашувчан технология, ташкилотчи талабларини муттасил ўрганиш корхона даромадларининг тобора ортиб боришига хизмат қилмоқда.



Ўсиш суръатлари, энг аввало, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирини қайта тириш юзасидан Юртбошимиз қўйган вазифаларни изчил бажариш орқали эришилмоқда.

Хусусан, ишлаб чиқариш ҳажмини доимий равишда ошириш, тайёрлаётган маҳсулотимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасидаги изланишлар ташкилотчи бозордаги ҳамкорларимиз билан алоқанинг янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бозор конъюктурасини тўғри баҳолаб, талабга яраша тақдир билан чиқа билиш бизнеснинг барча жабҳасида муваффақиятга етаклайди. Жамиятда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технология жиҳатдан қайта қуроллантириш юзасидан ишлаб чиқилган бизнес-лойиҳага биноан амалга оширилган тadbирлар корхонага экспорт эшикларини очиб берди. Россия ва Германия давлатларидан келтирилган ип йиғирши ва

нотўқима мато тайёрлаш дастохларини ишчилар тезда ўзлаштиришди. Дастлаб меҳнат жамоаси эки кишини ташкил қилган бўлса, бугун улар сони 500 нафарга етди. Бу орада Уйчи туманининг Унҳаёт кишлоғидаги иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолга тушиб қолган ипаччилик корхонаси ҳам сотиб олинди, ишлар жонлантириб юборилди.

### Жараён

Мулкчиликнинг хусусий шаклида фаолият кўрсатаётган корхона эндиликда вилоятдаги барқарор ишлаётган субъектлар орасида яхшигина мавқега эга. Махсулот тайёрлаш ҳажми муттасил ўсиб бораётди. Хусусан, ўтган йили бу миқдор 1,5

миллиард сўмни ташкил этди. Эътиборли жиҳати, маҳсулотнинг юз фоизи, яъни бир миллион 471 минг доллар миқдорда экспорт амалиётлари бажарилди. Корхона маҳсулотларига ташкилотчи бозорда Россия санаятичи харидор бўлиб туришибди. Яна бир хорижий харидор — «Мосимпекстекстиль»нинг 300 минг долларлик буюртмаси няхоясига етказилди, эндиликда янги шартнома ижросига киришилди.

Давр бугунги кунда ишлаб чиқарувчилардан эришилган натижа билан чеқланиб қолмай, ҳаммиса изланишни талаб қилмоқда. «Намимпекстекстиль»дагилар ана шу тамойилни маҳкам тутишган.

Қудратилла НАЖИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

## «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида Самарқанд вилоятида қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этилмоқда.

Нуробод туманидаги Нурбулоқ кишлоғида гишт ишлаб чиқарувчи «Нурли нурафшон тонг жамоли» хусусий корхонаси иш бошлади. Бу ерда йилига икки миллион дона гишт

гишт тайёрлаш имконияти мавжуд. — Туманимиз кишлоқларида замонавий уй-жойлар, хизмат кўрсатиш шох-бачалари, таълим муассасалари қурилушмоқда, — дейди корхона раҳбари

Ф. ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Лекин уқанинг ўз акаси ва яқинларини алдаб, чув туширганини, қул қилиб ишлатганини эшитганингизда, таажубдан ёқа ушлайсан, киши. Олотлик Умарқул Наврўзов туғишгани Бахтиёрнинг шу даражада юзсиз, бебурдлигини билганида, унинг ваъдаларига ўчмас эди, албатта.

Ҳаммаси Бахтиёрнинг Санкт-Петербург шаҳридан туриб қилган кўнгироғидан бошланди. Ундан заводда иш борлигини, ўзи билан уч-тўрт кишини бошлаб келиши зарурилигини, маош ойига нақд 400 АҚШ доллари эканини эшитган Умарқул олис сафарга йўл олди. Аммо ёлғиз эмас, укаси айтганидек, тўрт киши билан жўнади. Уртада бегона йўқ, деганларидек, уларнинг бири қариндоши, бири таниши эди. Санкт-Петербургда Бахтиёр уларнинг фуқаролик паспортлари ҳамда чўнтақларидаги бор-будини ҳам олиб қўйди. Кейин эса «Заводдаги иш ҳал бўлгунча ўзим айтган юмушларни қилиб турасизлар», деди-ю, уларни мардикорликка жасб этди. Орадан бир ой ўтиб, ийигитлар иш ҳақини сурашди. Эвазига дўқ-пўлиса остида

қилиб ишлатса, жуда оғир ботар экан кишига. Бир гал Бахтиёр Олотга жўнаб кетган паллада Умарқул Наврўзов, Вафо ва Элнур Аллабердиев, Воҳид Йўлдошев, Зариф Эргашев фирма раҳбаридан озрок пул ва фуқаролик

паспортларини сўраб олишди. Кейин яна минг бир машаққат чеқиб, уйларига етиб олиш учун йўлқира ишлашди. Олотга — оилалари бағрига бир амаллаб етиб келган жабрдийдалар, табиийки, пулимизни бер, дея Бахтиёрга учрадилар. Аммо товламачи инсофга келишди. «Қайга борсанг боравер, мен сенга сарик чақа ҳам бермайман», дея баланддан келди у ўз иш ҳақини сураган Воҳид Йўлдошевга. Одам савдоси билан шуғулла-

ниб, сувдан куруқ чиқаман, деб уйлаган Бахтиёр чўчварани хом санаган эди, албатта. У одил худ олдиде жаов берди. Уч ярим йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

— Жорий йилнинг ўтган тўрт

Хозирги кунда мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашининг самардорлигини ошириш бўйича чора-тadbирлар дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Комиссия аъзолари, мутасадди корхона ва ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар аҳоли ўртасида тушунтириш-ташвиқот юмушларини олиб боришмоқда. Олий ўқув юртлири, коллежлар ҳамда маҳаллаларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилапти. Дарҳақиқат, аҳоли билан жонли, юзма-юз мулоқотларнинг аҳамияти катта. Агар бировлар сўзига ишончи адашганлар ўз бошидан кечирган азоб-уқубатлари тўғрисида фуқароларга сўзлаб беришса, бунинг самараси катта бўлади. Елгон ваъдаларга ўчиб, одам савдоси деган чоғга қулган кишиларнинг аччиқ қисматиға ким ҳам ҳавас қиларди, дейсиз!

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 23 июндаги бошлаб қилинган операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобовларни юртин, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилади:\*/

1 Австралия доллари	1185,20	1 Малайзия рингити	418,60
1 Англия фунт-стерлини	2438,37	1 Поляна злотийаси	454,74
1 Дания кронаси	276,67	1 Туркия лираси	951,53
1 БАА дирҳами	403,59	1 Швейцария франки	1367,11
1 АҚШ доллари	1480,58	1 Евро	2058,72
1 Минер фунги	264,39	10 Жанубий Корея пона	11,64
1 Исландия кронаси	11,55	10 Япония йенаси	154,48
1 Канада доллари	1301,95	1 Россия рубли	47,52
1 Ҳингй ваии	216,65	1 Украина гривнаси	194,37

\*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотини ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Натижадан норозилик

Мана, бир неча кундирки, Эронда ўтказилган президентлик сайлови натижаларидан норози томон ўз эътирозларини очик-ошкора равишда намойиш қилмоқда.

Шанба куни мамлакат пойтахтида юзага келган ана шундай тадбирни бостириш мақсадида полиция ходимлари жалб этилган. Келиб чиққан тўқнашуларда 40 нафар ҳуқуқ-тартибот ходими жабрланган, 34 та турли мамурий ва бошқа бинога ҳиддий зарар етган. 457 нафар намойиш иштирокчиси ҳибсга олинган.



Эслатиб ўтамиз, 12 июнь куни Эронда президентлик сайлови бўлиб, унда амалдаги давлат раҳбари Махмуд Аҳмадинежад галаба қозонгани маълум қилинганди. Шундан сўнг сайловда номзоди кўйилган Мир-Хусайн Мусави овозларни ҳисоблашда қонунга зид хатти-ҳаракатлар амалга оширилганини билдирди. Натижада унинг тарафдорлари оммавий тартибсизликларни бошлаб боришди.

Суиқасд уюштирилди

Ингушетияда мамлакат президенти Юнус-Бек Евкуров ҳаётига суиқасд уюштирилди.

Бу ҳақда Ингушетия ички ишлар вазирлиги маълумотлари асосида "РИА Новости" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Йўл ёқасига ўрнатилган портловчи қурилма президенти қортежи ўтаётган пайтда ҳаракатга келтирилган. Хунрезлик оқибатида Евкуровнинг кичик ўқаси Увайс ҳамда бир нафар тансоқчиси жароҳат олгани, уч нафар кўриқчи эса ҳаётдан кўз юмгани айтилмоқда.

Тахминларга кўра, мазкур кўпуровчилик мамлакатдаги барқарорлиқни издан чиқаришни мақсад қилган жангарилар гуруҳи томонидан содир этилган.

Заводда портлаш юз берди

Хитой шарқидagi заводлардан бирида портлаш юз берди, дейилади "Associated Press" ахборот агентлиги хабарида.



казиб олиш бўлимида юз берган бахтсизлик оқибатида 16 киши ҳалок бўлган, 44 киши турли даражада тан жароҳати олган.

Босқинчиларга қарши амалиёт

Покистон шимоли-ғарбда жангариларга қарши кенг қамровли ҳарбий амалиётлар ўтказилмоқда.


Мамлакат Мудофаа вазирлиги хабарига қараганда, босқинчилар қойлашиб олган тоғли ҳудудлар ҳаводан ва ердан ўққа тўтилган. Олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар чоғида 27 нафар жангари йўқ қилинган.

Покистон қуролли қучлари ўтган ҳафтада ҳам шундай амалиётлар ўтказганди. Баджур тумани, Заларзай ва Чарманг шаҳарларидаги тозалаш ишларида 30 га яқин босқинчи ҳалок бўлгани айтилмоқда.

Хасталик ҳудуди кенгаймоқда

Янги Зеландияда АН1N1 вирусини юқтирган одамлар сони кескин ошиб бормоқда.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги Тони Райалнинг айтишича, охириги бир ҳафта давомида ана шу касаллик 258 кишида аниқланган. Хасталик, айниқса, мамлакатнинг уч йирри шаҳри — Веллингтон, Окленд ва Кентербер шаҳарларида тез тарқалмоқда. Эслатиб ўтамиз, мазкур давлатда АН1N1 вирусини билан боғлиқ биринчи ҳолат бундан бир ҳафта муқаддам қайд этилганди.



ташкilotининг сўнгги маълумотларига кўра, дунё бўйича ушбу вирусни 44 минг 287 одам юқтириб олган, шундан 180 нафари ҳаётдан кўз юмган.

Шахслари аниқланди

Атлантика океанида ҳалокатга учраган, Франциянинг "Air France" авиакомпаниясига тегишли "А 330-200" самолёти бортида бўлганлардан 50 нафарининг жасади топилгани ҳақида хабар берилди.

Бразилия ҳукумати улардан 11 нафарининг шахси аниқланганини маълум қилди. Суд тиббий экспертиза хулосаларига қараганда, улардан 10 таси Бразилия, яна бири эса бошқа давлат фуқароси экан. Марҳумларнинг яқинлари илтимосига кўра, ҳалокат қурбонлари номи оммага ошкор қилинмаган.

Таъкидлаш жоизки, фалокат сабаблари ҳамон номаълумлигича қолмоқда. Воқеа юз берган жойда кидирув ишлари давом эттирилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳар бир давлат иқтисодиёти маълум бир соҳаларга таянган ҳолда ривожланади. Кимдир "қора олтин" бозорига ўз урнинга эга бўлса, кимдир "оқ олтин"да, яна бири табиий газ, металл, ёғочсозлик, кимё ёки кўмирчиликда ном қозongan. Хуллас, аксарият мамлакатларнинг ҳаёти табиий хом ашё манбалари билан боғлиқ. Лекин бундай ресурсларга эга бўлмаган Жанубий Корея ҳамда Япониянинг дунёдаги мавқеига бир эътибор беринг-а. Улар Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қисқа давр ичида мўъжиза яратиб, ўзига тўқ давлатлар қаторига қўшилиб олган.

Бундан келиб чиқадики, фақат табиий хом ашё ёки минерал ресурсларга боғланиб қолмай, ноанъанавий соҳалар имкониятидан фойдаланиб ҳам иқтисодиётни ривожлантириш мумкин.

Хорижликлар Ўзбекистон ҳақида сўз юритганда, жуда ажойиб иборани қўлашади — жаннатмонанд ўлка. Чиндан ҳам, бизда табиий хом ашё манбалари, минерал ресурслар бисёр. Қолаверса, саҳий кўёшимиз тўғрисида қишлоқ ҳўжалгининг асосий тармоқлари яхши ривожланган. Чорвачиликдаги натижаларимиз ҳам тобора ўсиб бораётипти. Гузал табиатимиз, тарихий обидаларимиз сайёҳларни ҳамиша ўзига мафтун этади. Қисқаси, яшаш учун нимаки зарур бўлса, ҳаммаси мавжуд. Ўйлаб кўрсак, мана шундай қулай шароит, иқлимнинг маъқул даражада экани қўшимча наф келтириши мумкин бўлган соҳаларни тарақий эттиришга имкон беради. Масалан, гулчиликни олайлик. Бу борада нафақат ички бозорда, балки дунё бозорига чиқиш учун ҳам тажрибамиз етарли. Айниқса, мустақиллик йилларида бу борада илмий ўзгаришлар кузатишмоқда. Агар илгирилари "гуллар шаҳри" дейилганда, фақат Наманган кўз олдимизга келган бўлса, ҳозир бу иборани ҳеч иккиланмай, барча вилоят марказларига нисбатан қўлашчимиз мумкин. Негаки, эндиликда юртимиздаги сўлим боғлар, хиёбонлар, йўл бўйлари, хонадонлар турфа хил гуллар парвариш-

эканини яна бир қарра тасдиқлайди.

Гул экспортида Голландиядан кейин Колумбия иккинчи ўринда туради. Жумладан, дунё бўйича экспорт қилинадиган гулларнинг 10 фоизи айнан ушбу мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Колумбия бу соҳада узоқ йиллик тажрибага эга мамлакатлардан биридир. Масалан, илк бор 1965 йилда гул экс-

имзолашда кўмаклашади. Айни пайтда "Асоколфлорес"га аъзо бўлган ишлаб чиқарувчилар мамлакатдаги гулларнинг 80 фоизини еттиштириб беришади.

Колумбиядаги 92 фоиз янги гуллар денгиз сатҳидан 2600 метр баландликда жойлашган Сабана де Богота заминидан парваришланади. Бу ерда ҳаво ҳарорати кечаси 4-8, кундузи эса 14-20 даража

нади. Ишчиларнинг 60 фоизи айбонлар. Худудда 40 дан ортиқ гул турлари мавжуд бўлиб, улар орасида энг асосий эътибор қаратиладиганлари чиннигул, атиргул ва кичик чиннигулдир. Масалан, 1995 йилда экспорт қилинган гулларнинг 28,8 фоизи атиргул бўлган. Колумбиянинг бундай маҳсулотларига, асосан, АҚШ, Канада, Аргентина, Англия, Япония, Германия ҳамда Европа Иттифоқига аъзо бошқа мамлакатлар харидор.

Айтиш жоизки, гулчиликнинг ривожига унга алоқадор бўлган соҳалар тараққиёти учун ҳам фойдалидир. Хусусан, пластмасса, картон, резина, ёғоч ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар гулчилик ҳўжалликлари билан бевосита ҳамкорлик қилишлари мумкин. Чунки уни халқро таллаблар даражасида экспорт қилиш учун бу вазоратлардан фойдаланиш мўҳим аҳамиятга эга.

Австралия гул экспорти билан шўғулланувчи етакчи мамлакатлар қаторида тилга олинмайди. Лекин бу мамлакатнинг иқлими ва шу соҳа ривожига учун қаратилган эътибор яқин келажақда унинг бу бозордаги мавқеини мустаҳкамлаб олишидан дарак беради. Айни пайтда жаҳонда экспорт қилинаётган гулларнинг 1 фоизи Австралия ҳиссасига тўғри келади. Мамлакат йилга тахминан 50 миллион АҚШ доллари миқдоридagi гулни хорижий харидорларга сотади. Жумладан, Япония (50 фоиз), Шимолий Америка (асосан АҚШ — 30 фоиз), Германия ва яна бир қатор давлатлар Австралиядан гул олишади.

ГУЛ ЭКСПОРТИ

мамлакат иқтисодиётига катта наф келтириши мумкин

ланмоқда. Жойларга осиб қўйилган панноларда "Шахримизни гуллар шаҳрига айлантирайлик" қабилидаги эзгу мақсадли давлатларни кўрганда, дил қувонади. Кўркем биноларга уйғун бўлиб турган чаманзорлар кишига ўзгача завқ бағишлайди. Шундай тажрибамиз бор экан, демакки, иккиланмай жаҳон бозорига ҳам чиқишимиз мумкин.

Дунёда айнан гулчилик ортдан баракали даромад топаётган давлатлар жуда кўп. Хусусан, Голландия, Колумбия, Исроил, Эквадор, Испания, Италия ва шу каби бир қатор мамлакатларнинг иқтисодиётида мазкур соҳанинг ўрни ниҳоятда катта. Бежизга Голландияга "лолалар ўлкаси" дея таъриф берилмайди. Чунки сотувдаги 88 фоиз лола айнан Голландияда етиштирилади. Уларнинг умумий майдони 10800 гектарни ташкил этади. Бу ерда 1000 дан ортиқ компания гул ҳамда бошқа турдаги ўсимликларни парваришлай билан шўғулланади. 2005 йили Голландия гул ва шунга алоқадор товарлар экспортини нақд 6 миллиард евро ишлаганининг ўзидек, гулчилик сердаромад соҳалардан бири

порт қилиб, 20 минг АҚШ доллари миқдорига даромад олган бўлса, ўн йил ўтиб — 1975 йилда бу кўрсаткич 20 миллион АҚШ долларига етган. 1985 йилда 140 миллион, 1995 йилда эса 475,7 миллион АҚШ доллари қийматиға

Шарҳ

тенг маҳсулот чиқарган. Мамлакатнинг экспортдаги муваффақиятига 1970 йилда Колумбия гул экспортчилари ассоциацияси — "Асоколфлорес"нинг ташкил этилиши асосий омиллардан бири бўлгани таъкидланади. 1973 йилда мамлакат Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигидан расман рўйхатдан ўтган мазкур ташкилот зиммасига гул экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор мўҳим вазифалар юклатилганди. Хусусан, "Асоколфлорес" мамлакатдаги экспортчиларга бошқа давлатлар бозори, улардаги демпинг ва антидемпингга оид қонунчилик, божхона тарифлари тўғрисида, умуман, қандай маълумот зарур бўлса, етказиб беради ва шулардан келиб чиқиб, мақбул нарх белгилашда ҳамда узоқ муддатли шартномалар

атрофида илик бўлади. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, гулчилик билан шўғулланадиган корхоналарнинг қисқа вақт ичида жаҳон бозорига хариддоригир ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлашига қулай иқлим шароити билан бирга, арзон ерлар (асосан, тоғли туманлардаги ерлар)дан фойдаланишлари тўртки берган.

Мамлакатда тайёрланадиган қолган 8 фоиз гуллар эса Антидия ҳамда Валье дель Каука худудларида ўстирилади. Гулчиликка берилган умумий ер майдони 4200 гектарга тенг.

Колумбияда гул етиштириш ва экспорти билан қарийб 450 та фирма шўғулланади. Уларда 75 минг киши доимий иш билан банд. Мавсум пайтида қарийб 50 минг киши вақтинчалик сафарбар қили-

нади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бизда бу борада имкониятлар жуда кенг. Қишлоқ ҳўжалиги ривожига учун давлат эътибори дейсизми, мақбул иқлим шароитини айтасизми, сув масаласи, қонунчилик, тажриба, кадрлар тайёрлаш, хуллас, нимаики лозим бўлса, ҳаммаси бор. Гап ана шу омирлардан оқилона фойдаланишда қолаётти, холос. Ажаб эмас, гулчилик иқтисодиётимиз ривожига учун янги йўналиш бўлиб хизмат қилса.

Шевкат ОРТИҚОВ.

Advertisement for 'ЭЪЛОН!' (Announcement) featuring a list of phone numbers and locations for various services. Includes a table with columns for phone numbers and locations, and a section for 'шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади.'

Advertisement for 'Йил китобхони' (Year Bookstore) featuring information about book sales and services. Includes a section for 'Гулистонда "Йил китобхони" танловининг республика босқичи якунланди.'

Advertisement for 'Испаниянинг "Semillas FITO" компаниясининг Ўзбекистондаги вакили' (Spain's Semillas FITO company representative in Uzbekistan) featuring information about corn seeds and contact details.

Advertisement for '«МЕХРЛИ САВДО» ШўЪБА КОРХОНАСИ' (Mehrlis Savdo Branch Enterprise) featuring information about tender services and contact details.

Advertisement for 'ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР' (Official Distributor) featuring information about heating equipment and contact details.


Advertisement for the Hyundai Sonata car, featuring an image of the car and text describing its features and availability.

Advertisement for the TTEMZ factory, featuring information about crane services and contact details.

# ЭЛАРО ЭЪЗОЗ ТОПСИНЛАР

Форишлик Анзират момо Отамуродова юз билан юзлашди. Чехрасидан нур ёғилиб тургучи табаррук момодан кўлар узоқ умр кўришнинг сирини мада эканлигини сурашса, у шундай дейди:

— Навқирон ёшлик йиллари мунча машаққатда ўтказдим, аммо ҳар қанча қийинчилик кўрсам-да, эртанги кун умиди билан яшадим. Қалбда умид сўнмас бўлгани, ҳаётнинг аста-секин изига тушарди. Эсимда, уруш ва очарчилик йиллари тиним билмай мунча қилардик. Лилми ерда қунжут, зигир, тариқ етиштирдик. Машаққат чекиб ишлабмузду дур устроқ хордик чиқариш нелигини билмабмиз. Шунда ҳам ризқимизни териб юрганимизга шукрлар қилиб яшадик, қийинчиликлар туйғайли жонимиз озор топганидан нолимадик. Мана, энди, бугунги замонларни қаранг, ҳаётимиздаги ўзгаришларни кўриб дил яйрайди! Бир ўғлим фермер, яна бири ўқитувчи, қизларим орасида хусусий фирма очиб, уни бошқараётган тадбиркорларим бор. Шундай экан, фарзандларимнинг бахту иқболидан, давру давронидан нечун бошим осмонга етмасин!



Шукрона

хусусида ашитиб, хурсанд бўлади. Қолаверса, ўзи истиқомат қилаётган қишлоқда ҳам янгилашиллар кўп. Яқинда маҳалласида янги мактаб қуриб битказилди. Бу ерда қишлоқ врачлик пункти барпо этилди, энди туман марказидаги шифо масканига қатнаб овораб бўлишга ҳоҳат йўқ. Энг муҳими, истиқлол берган бекиёс имкониятлар туйғайли қишлоқда табиий газ келди. Момонинг келинлари ўзининг ёшлик йилларидагидек қора ўчоққа ўт қалаб, тутун ютиб юришмайди.

— Саховатпеша одамлар умргузаронлик қилгучи бу юртда хамиша файзу баракка, хотиржамлик ҳукм суради, — дейди у. — Утмишдан маълум, кудратли бир салтанати бошқарган Амир Темурдай аждодларимиз эзгуликка, бунёдкорликка кўл бериб, эл-юртда адолат ўрнатиб тарафдори бўлган. Шунинг учун ҳам унинг номи ханузгача юксак ҳурмат билан тилга олинади. Бунунинг фарзандлари ҳам аждодларга муносиб издош бўлсинлар, инсофу диёнати, дуо олишга интиладиган, ён-атрофдагилардан меҳру муруватини аямайдиган инсонлар сифатида эларо эъзоз топинлар.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**М**устақилликка эришганимиздан сўнг, юртимиздаги тарихий ёдгорликларга, муқаддас зиёратгоҳларга алоҳида эътибор берилди. Улар қайта таъмирланиб, обод масканларга айлантирилмоқда. Ривоят қилишларича, Жарқўрғон минорасини қурган меъмор Мухаммад Али «Бу иморатнинг кўрки ва залвори менга неча минг йиллик умр бахш этади», деган экан.

# ТУПРОФИДА ТАМАДДУН МУҲРИ

Уста гапининг ҳақлигига бугун авлодлар гувоҳ. Минора 1108-1109 йилларда салжукийлар подшоши Султон Санжарнинг раёиرويши билан бунёд этилган. Бир гуруҳ қадимшунос олимларнинг аниқлашча минора ва унинг атрофидаги йирик карвонсарой тасвирланган, бундан 130 йил аввал чизилган расм бор. Расмининг тарҳини ўрганган олимлар миноранинг баландлиги 40 метрдан зиёд бўлган, деб тахмин қиладилар. Мустақиллик даврида карвонсарой бузиб ташланган, ми-

норанинг ҳам юқори қисми қулаб тушган. Истиқлолга эришганимизга қадар бу ноёб меъморий ёдгорлик қаровсиз аҳволда эди. Атрофини шўр босиб ётарди. Айтишларича, уни бузиб, ўрнига қолхоз деҳқонларини қўришга чоғланганлар бўлган, бироқ қишлоқ оқсоқолларининг аралашуви билан бу хурружлар тўхтатилган экан.

Уста Мухаммад Алининг башорати ва нияти истиқлолимиз туфайли ижобат топди. Қадим қадриятларини англаган эл, маҳалла-кўй боболаридан қолган буткул маскани обод қилишга киришди. Миноранинг тупроқ ости-

ат-Термизий зиёратгоҳида яқинда амалга оширилган таъмирлаш-ободлаштириш тадбирлари янада ибратли эканлигини айтиб ўтиш ўринли. Худуднинг ер ости сувларини қочириб иншооти қурилади. Дарвозахона бунёд этилиб, сайёҳлар ва зиёратчилар учун қўшимча шартитлар яратилди. Мажмуа қошидаги «Мерос» музейи илмий-маърифий ва тарихий ашёлар билан бойитилди. Вилоят ҳокимлиги сай-ҳаракати билан бошланган бу хайрли ишлар катта ҳашар ёрдамида ниҳоясига етказилди.

— Археология ва меъморий-монументал санъат ёдгорликларини қўшиб ҳисоблаганда, воҳамизда 350 тага яқин тарихий обида бор, — дейди «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Норбой Султонов. — Қўлами жиҳатидан бутун бир шаҳарни эслатадиган ва қарий етти аср (X-XVII асрлар) давомида қурилган Султон Саодат археологик мажмуаси, Қойилдор ота хонақоси, Абу Исо Имом Термизий, Абдураҳмон Авф макбаралари сингари юзлаб осяриятчилар бугун ҳорижий сайёҳларнинг ҳам сеvimли кадамжоларига айланган.

Токио шаҳридаги Сока университети профессори, Ўзбекистон Республикаси «Дўстлик» ордени соҳибни Кюдзо Като «Сурхон заминининг бир ҳовуч тупроғидан дунё тарихини, тамаддулар силсиласини ўқиб олиш муқим», деганди. Меъморий обидаларни эса бу тарихнинг зарҳал сарлавҳалари, деб аташ мумкин.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

## СЕРМАХСУЛ ТУР



Ўтган дам олиш кунлари футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг 13-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

ларга Хосе Луис Вильянуэва, Ривалдо (иккитадан), Сервер Жепаров ва Анвар Солиев муалифлик қилишди. Самарқандда чемпионат аутсайдерларидан бири — «Динамо» ва «Локомотив» жамоалари майдонга тушдилар. Шу кунги пойтахтликлар дарвозасини МДХда танилган Александр Филимонов химоя қилганга қарамай, йирик ҳисоб қайд этилди. Мезбонлар 5:0 ҳисобида за-

Ўн учинчи турдан кейинги вазият:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Бунёдкор»	11	11	0	0	31-3	33
«Пахтакор»	11	8	3	0	24-3	27
«Олмалик»	13	8	2	3	20-14	26
«Насаф»	12	7	3	2	20-10	24
«Локомотив»	13	5	5	3	11-14	20
«Нефтчи»	12	6	1	5	14-15	19
«Хоразм»	13	5	4	4	14-14	19
«Сўғдиёна»	13	5	2	6	19-24	17
«Кизилқум»	13	5	1	7	13-22	16
«Навбахор»	12	4	3	5	10-13	15
«Шўртан»	13	4	2	7	16-22	14
«Динамо»	13	3	3	7	15-19	12
«Андижон»	13	2	4	7	14-23	10
«Машъал»	12	2	3	7	9-16	9
«Металлург»	13	2	3	8	15-23	9
«Бухоро»	13	2	3	8	14-24	9

## ИСТЕЪДОДЛАР БЕЛЛАШУВИ

Кўкон шаҳрида фольклор-этнографик дасталарининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазоҳидова хотирасига бағишлаб ташкил этилган ушбу танловни Нурота туманидаги «Нуржаҳон» халқ фольклор-этнографик дастаси бошлаб берди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан келган халқ фольклор-этнографик дасталари тадбири давом этиришди. Анжуман доирасида иштирокчилар санъат илос-мандлари билан учрашувлар, давра сўбатлари ўтказишди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан халқ дасталарининг киҳили муносиб баҳоланди. Унга кўра, Фаргона

Танлов

ва Навоий вилояти жамоаси биринчи, Тошкент, Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари жамоалари иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Шунингдек, танлов қатнашчилари турли номинациялар бўйича ташкилотчилар — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодидеги ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Кўкон шаҳар ҳокимлиги, бир қатор хайрия жамғармалари ва ташкилотларнинг муқофотларига сазовор бўлишди.

М. КАРИМОВА.

## Оқгул — халқаро турнир голиби

Иқтидорли теннисчимиз Оқгул Омонмуродова ва япониялик Аи Сугияма Истборн (Буюк Британия) шаҳрида ўтказилган, муқофот жамғармаси 600 минг АҚШ долларига тенг халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида бош совринни кўлга киритдилар. Омонмуродова ва Сугияма финалда австралиялик жуфтлик Саманта Стосур ҳамда Рене Стаббсини 6/4, 6/3 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.



Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо ва кузатувчи давлатлар жамоалари ўртасида халқаро ўсириллар шахмат турнири якунланди.

## Шахматчиларимизнинг муҳим ғалабаси

Мусобақада Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ҳиндистондан келган иқтидорли ёш шахматчилар голиблик учун дона сурдилар. Аҳамиятлиси, турнирда ишончли ўйин намойиш этган ўзбекистонлик ёш шахматчилар барча рақибларини ортда қолдириб (12 очко), фахрли биринчи ўринни кўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар «Россия-1» ва «Россия-2» жамоаларига насиб этди. Терма жамоамиз муваффақиятига Улугбек Тиллаев, Жаҳонгир Воҳидов, Ортиқ Нейматов ва Сарвиноз Қурбонбоева муносиб ҳисса қўшдилар.

## ОБ-ҲАВО

Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво қисман ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирик бўлиши мумкин. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Баъзи худудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Ҳарорат тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фаргона вилоятлари. Айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво қисман ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирик бўлиш эҳтимоли бор. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

## Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси очик танлов савдолари эълон қилади.

**Объект номи** — Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси автохўжалиги маъмурий биноси ва иншоотларини мукамал таъмирлаш.  
**Буюртмачининг бошланғич нархи ККС билан** — 151 701,703 минг сўм.  
**Буюртмачининг бошланғич нархи ККСсиз** — 126 418,086 минг сўм.  
**Курилиш муддати** — 90 кун.  
**Буюртмачи** — Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси.  
**Буюртмачи манзили:** Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси.  
Курилиш ишларини молиялаштириш давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Талабдор сифатида иштирок этадиган корхона ва ташкилотлар кўйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги бўш айланма маблағлари ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси бўлиши, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибага эга ва ишончли бўлишлари лозим.  
Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий курилиш ташкилотларининг танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга кўйидаги нарх имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)да тендер тақлифлари иштирокчиларнинг тендер тақлифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўлдан ҳолда ҳисобланган.  
Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Хоразм вилояти курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига кўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:  
**Урганч шаҳри, П. Махмуд кўчаси, 10-уй.**  
**Телефон:** (8-362) 226-92-25. **Факс:** (8-362) 224-28-41.  
**Танлов ҳужжатлари тўпламининг қиймати — 50 000 сўм.**  
Оферталар савдо ташкилотчиси — Хоразм вилояти курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази томонидан кўйидаги манзилда қабул қилинади:  
**Урганч шаҳри, П. Махмуд кўчаси, 10-уй.**  
**Телефон:** (8-362) 226-92-25. **Факс:** (8-362) 224-28-41.  
Тақлифлар (оферталарни) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг сўнгги муддати — оферталар очилиш кун ва соати.  
Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин Урганч шаҳри ҳокимлиги биносида ўтказилади.

## Инсон саломатлиги — бебаҳо неъмат

Гулистон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчиси Алиса Темирова Жанубий Кореяда даволанадиган бўлди.  
Алисага бу имкониятни «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ва «JKF-Koreya» ташкилоти томонидан ўтказилган «Оғриқсиз юрак» тадбири яратиб берди. Энди Алиса бир неча сарф-харажатларини ташкилотчилар ўз зиммасига олган. Хозирга қадар «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси вилояти бўлими тугма нуқсонли ўндан зиёд боланинг саломатликларини тиклашида амалий ёрдам кўрсатди.  
**А. ШЕРНАЗАРОВ.**

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!  
2009 йил 28 июль кун соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳужалик судининг 2008 йил 11 сентябрдаги 10-0811/8953-сонли иккитадан бир кўлганда тўхтатилади.  
2009 йил 28 июль кун соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан кўйидаги автотранспорт воситалари тасвирини қўриб олинган баҳода қўйилмоқда:  
• ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли иккитадан бир кўлганда тўхтатилади, ХЕАТ «Парвина» банкнинг Тошкент шаҳар филиалига тегишли бўлган, Ҳамза туманининг «Шарқли Мелиса» жайми майдончасида сақланган;  
• «Тойота прад» русумли, давлат рақами 10 АТ 720 бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
• «Тойота прад» русумли, давлат рақами 10 АУ 717 бўлган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
• «Тойота прад» русумли, давлат рақами 10 АУ 717 бўлган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидидаги талабдорлардан арizasиларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.  
Маъмур савдода қатнашиш истагидидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига иккитадан бир кўлганда рақамий ва сананини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — РКМБнинг ОАИКБ «Илғай йули» банки «Сарбон» филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114. МФО: 01036. ИНН: 200933850.  
**Манзил:** Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, М. Урозбоев к., 1-«А» уй. **Телефон:** 228-79-52.  
[www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz) Лицензия: ДВ 001 № 000004

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**  
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 45734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.  
**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.  
ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида тервлди ҳамда операторлар Жамшад Тоғаяв ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
Тижорат материалли  
«Шарқ» нарийф-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАЯ якуни — 21.00 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6 7 9

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орпнов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.  
Навбатчи — З. Худойшукров.  
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.